

УДК. 616.724.8-009

**РУҲИЙ КАСАЛЛИКЛАРИ МАВЖУД БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ЧАККА ПАСТКИ ЖАҒ
БЎҒИМИДАГИ ПАТОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИ АНИҚЛАШ**

АСТАНОВ ОТАБЕК МИРЖОНОВИЧ

<https://orcid.org/0009-0006-2603-7612>

**Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти
Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси PhD, доценти**

Аннотация

Тадқиқот мақсади. Руҳий касаллиги мавжуд беморларда чакка-пастки жағ бўғими касалликларини ва унинг асоратларини олдини олиш.

Материал ва усуллар. Руҳий касаллиги мавжуд Бухоро вилоятида жойлашган психатрия диспансерига қарашли шифохонада даволанаётган 410 нафар беморларда чакка-пастки жағ бўғими касалликларини аниқлаш мақсадида оккюзография, палпация, сўровнома ўтказилди.

Натижалар. Руҳий касаллиги мавжуд беморларда чакка-пастки жағ бўғимини палпация усули билан текширилганда оғриқ ҳисси кўпроқ чакка пастки жағ соҳасида, қулоқ олди соҳасида ва лунж соҳасида учради. Касалликнинг бошланғич даврида беморларда оғриқ фақатгина пастки жағни ҳаракатлантирганда пайдо бўлди. Аммо вақт ўтиб айрим вақтларда тинч ҳолатда ҳам оғриқ кузатилди.

Хулоса. Руҳий касаллиги мавжуд беморлардаги чакка-пастки жағ бўғими касалликлари эрта таъхисланиб, даволаш чоралари амалга оширилди.

Калит сўзлар: Чакка-пастки жағ бўғими, периодонт, пародонт, алгоген синдром, мушаклар гипертонуси.

Цель исследования. Профилактика заболеваний височно-нижнечелюстного сустава и их осложнений у больных психическими заболеваниями.

Материал и методы. С целью выявления заболеваний височно-нижнечелюстного сустава у 410 больных психическими заболеваниями, находящихся на лечении в стационаре психиатрического диспансера, расположенного в Бухарской области, проведены оккюзография, пальпация, анкетирование.

Результаты. При исследовании височно-нижнечелюстного сустава методом пальпации у больных психическими заболеваниями болевые ощущения обнаруживались больше в нижнечелюстной области виска, перед ухом и в области легкого. В начальном периоде заболевания боли появлялись у больных только при движении нижней челюсти. Но через некоторое время боль стала наблюдаться даже в состоянии покоя.

Заключение. Заболевания височно-нижнечелюстного сустава у пациентов с психическими заболеваниями были диагностированы на ранней стадии и проведены лечебные мероприятия.

Ключевые слова: Височно-нижнечелюстной сустав, пародонт, пародонт, альгогенный синдром, мышечный гипертонус.

Resume.

The purpose of the study. Prevention of temporomandibular joint diseases and their complications in patients with mental illness.

Material and methods. In order to identify diseases of the temporomandibular joint, occlusionography, palpation, and questioning were carried out in 410 patients with mental illnesses being treated in an inpatient psychiatric dispensary located in the Bukhara region.

Results. When studying the temporomandibular joint by palpation in patients with mental illness, pain was found more in the mandibular region of the temple, in front of the ear and in the lung area. In the initial period of the disease, pain appeared in patients only when moving the lower jaw. But after some time the pain began to be observed even at rest.

Conclusion. Temporomandibular joint disorders in patients with mental illness were diagnosed at an early stage and treated.

Keywords: Temporomandibular joint, periodontium, periodontium, algogenic syndrome, muscle hypertonicity.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Руҳий касаллиги мавжуд бўлган стоматологик беморларнинг чакка-пастки жағ бўғими касаллиги (ЧПЖБ) жуда кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади. Чакка-пастки жағ бўғими тузилиши ва фаолиятининг мураккаблиги, шунингдек, оғир юкнинг тушиши билан ўзига хос патологик ўзгаришлар билан кечади. Стоматологларнинг ўртача 57% беморлари ЧПЖБ фаолият бузилишининг у ёки бу белгиларидан шикоят қилишади. Шу учун ҳам

беморларнинг 90% чакка пастки жағ бўғими оғриғига шикоят қилиб келишади. Чакка пастки жағ бўғими касалликлари билан боғлиқ бўлган оғриқли синдром прозопалгия (юздаги оғриқ) билан бирга кўп кузатилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Руҳий касаллиги мавжуд беморларда чакка-пастки жағ бўғими касалликларини ва унинг асоратларини олдини олиш.

Тадқиқот объекти. Руҳий касаллиги мавжуд Бухоро вилоятида жойлашган пихатрия диспансерига қарашли шифохонада даволанаётган 410 нафар беморларда чакка-пастки жағ бўғими касалликларини аниқлаш мақсадида окклюзография, палпация, сўровнома ўтказилди.

Натижалар ва таҳлиллар. Руҳий касаллиги мавжуд беморларда чакка-пастки жағ бўғимини палпация усули билан текширилганда оғриқ ҳисси кўпроқ чакка пастки жағ соҳасида, қулоқ олди соҳасида ва лунж соҳасида учради. Касалликнинг бошланғич даврида беморларда оғриқ фақатгина пастки жағни ҳаракатлантирганда пайдо бўлди. Аммо вақт ўтиб айрим вақтларда тинч ҳолатда ҳам оғриқ кузатилганлигини таъкидлашди. Кейинчалик эса чакка-пастки жағ бўғимига ортиқча босим туфайли доимий оғриқ, симилловчи оғриқ, монотон оғриқ кузатилди. Айрим беморлар оғриқнинг пастки ва юқори жағига, пешонага, энса соҳасига ва бўйин соҳасига кўчиши ва тарқалишини айтиб ўтишди.

Чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишининг белгиларидан бири оғиз очишнинг чегараланиши ва асимметрияси, “қарсиллаши”, бўғимда шаққиллаш, чайнов мушаклари палпациясида оғриқ ҳамда қулоқда шовқин ва битиб қолиши белгилари аниқланди. Ҳозирги вақтда чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишини ўрганишда бир неча сабабларнинг кузатилиши яъни полиэтиологик феномен кўринишида кузатишимиз мумкин. Фаолият бузилиши синдромини ривожланишига сабаб бўладиган асосий омиллардан бири бу бўғим ичидаги ўзгаришлар ҳисобланади. Шу жумладан бириктирувчи тўқиманинг дисплазияси, окклюзион мувозанатнинг бузилиши, тиш қаторларининг нуқсони, патологик тишлов, нотўғри протезлаш, алвеоляр ўсиқ қиррасининг пасайиши ва бошқалар [1.2]. Асосий келтириб чиқарувчи сабабларидан бири чайнов мушакларининг тоник қисқариши деб қарашимиз мумкин. Чайнов мушакларининг тоник спазми, ўз навбатида, турли сабабларга кўра нерв-мушак комплексининг бузилиши фонда пайдо бўлиши ҳам мумкин. Улардан энг муҳими ақлий бузилишлар ва мушакларнинг механик ортиқча юкланиши ҳисобланади, улар окклюзион мувозанатнинг бузилиши, периодонт ва пародонт патологияси, узоқ давом этадиган

бир томонлама чайнаш тури, касби, чайнов мушакларининг парафункциялари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Айрим гуруҳларнинг гиперактивлиги, уларнинг ҳаддан ташқари зўриқиш ва чарчоқлари натижасида келиб чиққан чайнов мушаклари қисқаришининг ўзгариши, маҳаллий гипертоника шаклланишига ва кейинчалик мушакларнинг барқарор кучланишига олиб келади, бу эса иккала бўғим бошчасининг ҳаракатини бузади ва натижада бўғим ичидаги барча тўқималарни шикастланишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, латерал ва медиал қанотсимон чайнов мушакларининг гипертонуси, бўғим дискини ҳаракатини таъминловчи мушаклардаги гипертонуси, бўғим ичидаги патологик ўзгаришларнинг шаклланишига ва силжишига олиб келади. Шундай қилиб, мушакларнинг спазми билан боғлиқ бўлган функционал патология кейинчалик чакка-пастки жағ бўғимидаги дегенератив ва яллиғланиш жараёнларига, шунингдек, тиш қаттиқ тўқималарининг шикастланиши ва окклюзион мувозанатнинг бузилиши билан кузатилади.

Бундан ташқари бўғимнинг юмшоқ тўқималари тузилмаларининг шикастланиши (шу жумладан, рецепторларга бой биламинар зона) ва маҳаллий мушакларнинг гипертониклигини шакллантириш; маҳаллий ва тарқалувчи оғриқлар манбаи бўлиб, қўзғатувчи нуқталарга айланиши ҳамда узоқ вақт давомида улар мушакларда қон томир, моддалар алмашинуви, яллиғланиш жараёнларини келтириб чиқариши, бу эса оғриқнинг интенсивлигини оширади. Шу билан бирга, чайнов аппарати фаолиятининг шаклланган ҳолатини "мустаҳкамлаш" учун миянинг антиноцицептик тизимлар фаолияти бузилиши ва оғриқнинг кучайиши билан бирга бўлган "сурункали ҳиссий стресс", мотонейронлар фаоллигига ва мушакларнинг қисқаришига олиб келади. Яъни руҳий касаллиги мавжуд беморларда чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишининг асосий сабачиларидан бири бу ташвиш ва депрессиянинг юқори даражада бўлиши ҳисобланади [3.4.5].

Руҳий касаллиги мавжуд беморлардаги чакка-пастки жағ бўғими касалликларининг келиб чиқишида асосий сабачиларидан бири бу тиш қаторларининг қисман ва тўлиқ нуқсонни ҳисобланади. Шу сабабли юқори ва пастки жағ тишлари орасида супер контактлар пайдо бўлади. Ушбу ҳолатни аниқлашда мумли пластинкадан фойдаланган ҳолатда окклюзиограмма ўтказилади. Суперконтактлар оқибатида бир томонда ёки айрим тишларга ортиқча босимнинг бўлиши ва шу томондаги мушакларнинг гипертонуси кузатилади. Натижада чакка пастки жағ

бўғимининг патологиялари келиб чиқади. Шунинг учун ушбу беморларда протезлашни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади [6.7.8].

Хулоса. Руҳий касаллиги мавжуд беморлардаги стоматологик касалликлар - тиш кариеси, пулпит, тиш карашлари ва тошлари, тиш тож қисмининг турли хил нуқсонлари, оғиз бўшлиғи аъзолари шиллиқ қавати касалликлари ҳамда тиш қаторларининг қисман ва тўлиқ йўқотилишини бартараф қилиш орқали ушбу беморларда ҳаётга нисбатан ишончини ошириш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шайхова, Ш.Р., Тўхтаматов, А.А., & Ўртаев, Б.Р. (2019). "Руҳий касаллиги бўлган беморларда стоматологик касалликлар ва уларни даволаш усуллари". *Тиббиёт илми ва амалиёти*, 15(2), 112-117.
2. Бобоев, Ш.Х., & Умаров, Н.А. (2020). "Руҳий касалликлар ва уларнинг оғиз бўшлиғидаги таъсири". *Стоматология журнали*, 23(4), 56-62.
3. Усмонов, Б.М., & Махмудова, З.К. (2018). "Руҳий касаллиги мавжуд беморларда комплекс даволаш ва тишларнинг ҳолатини баҳолаш". *Ҳар бир тиббий соҳадаги тадқиқотлар*, 9(1), 82-90.
4. Бекмуродов, У.Х., & Турсунов, Ж.М. (2017). "Тишлар кариеси ва руҳий касалликлар: диагнози ва даволаш усуллари". *Ҳар хил касалликлар ва даволаш*, 11(3), 98-104.
5. Камилов, Ш.Р., & Муратов, Б.К. (2021). "Руҳий касалликлар ва оғиз бўшлиғидаги шифоланиш жараёни". *Тиббиёт ва стоматология соҳасидаги янги тадқиқотлар*, 14(5), 210-217.
6. Усовершенствованная методика коррекции десневого края базиса съёмных протезов при частичном отсутствии зубов. Н.С. Рузуддинов, С.А Гаффоров, С рузуддинов. Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия Учредители: ООО ...
7. Need For Orthopedic Dental Care of Adult Urban Population of The Republic of Kazakhstan(Потребность в ортопедической стоматологической помощи взрослого городского населения Республики Казахстан)N.S. Ruzuddinov, S.A. Gaffarov, S.R. Ruzuddinov *Eurasian Medical Research Periodical* 1 (1), 13-15.

8. Клинико-технологические этапы повышения функциональных свойств частично съемных протезов// Ш.М.К Рузуддинов Н.С.,Гаффоров С.А.,Рузуддинов С./STOMATOLOGIYA// 3 (87-88), 35-38.